06.00 М/с "Эй, Арнолда!".
07.40 00.35 Наши песни.
08.05 20.00 23.55 02.35 "Дом 2".
09.00 "Школа ремонта". "Первоклассная компания".
10.00 Бешела Дюгофил.
10.30 10.55 М/с "Тоталит Спайн".
11.40 "Витязь из Кураганскос".
12.40 Клуб бывших жен.
13.45 Дрима "Фирма".
17.00 "Соморпалит. Видеоверсия".
18.00 Такси в Питере.
18.30 Т/с "Женская лига".
19.00 "Необыкновенно, но факт".
"Параллельные миры".
21.00 "Комеди Клуб".
22.00 Т/с "Наша Russia".
22.25 "Убойная лига".
23.25 "Секс" с А. Чеховой.
00.50 Комедия "Семейка Монстер".
03.30 Лучшие анекдоты из России.



Катанго кўрбонларини ёл эттин куни.
5.55 Кургулар дасури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Азборот"
8.40 Оттин мерос.
9.00 "Юртим бўйлаб" дасури.
"Ўзбекистон. Умид ва аздар вилдари".
"Бозалар сайёри".
9.30 П. "Истиқдол тенгшолари".
2.2 "Каломидан Мангуберди"
Муваллим.
10.00 "Соз сари".
10.25 Миллий сериал: "Буюк Амир Темур".
11.40 Оттин мерос.
11.50 "Бир асар тарихи".
11.59 "Бу менинг Ватаним".
12.25 "Зумдани тарк этиш", Бадий фильм.
13.45 Оттин мерос.
13.55 "Минг бир ривож".
14.00 "Азборот".
14.20 "Ўзбекистон - Малайзия".
2-қрим.
15.20 "Шомади тоғити".
"Бозалар сайёри".
16.00 "Ҳана, Ҳана, Тон!" Телесериал.
16.50 "Ўзбекистанда ишлаб чиқарилган".
17.00 "Азборот".
17.15 Оттин мерос.
17.20 "Бир асар тарихи".
17.40 "Обод манзилар".
18.00 "Мариятон - 2000".
18.05 Миллий сериал: "Буюк Амир Темур".
18.35 "Эв" дасури нимоийш этили.
"Эттиқд мустанкини Вилдани".
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
21.30 "Азборот".
22.00 "Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани айрым тантаналари".
24.00-00.05 Тунги навалар.
"Uzbekistan".
00.05 Кургулар дасури.
00.15 "Шомади тоғити".
00.30 Оттин мерос.
00.30 "Азборот". Информацион дасури (рус)
01.30 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани айрым тантаналари.
03.30 "Юртим бўйлаб" дасури: "Куёш шақри".
03.40 "Дунё таомлари".
04.00 "Азборот". Информацион дасури.
04.35 "Обод манзилар".
04.55 "Мариятон-2000".
05.00 Миллий сериал: "Буюк Амир Темур".
05.30 "Минг бир ривож".
05.35-05.55 Тоғити навалар.

16.15 Миллий сериал: "Остона".
17.10 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
"Биз кимиз?"
17.30 Самарқанд шаҳрининг 2750 йилдиги: "Самарқанд жақоидлари".
18.00 "Даврининг бозаси".
18.15 "Аллоҳнинг". Мултиернал.
18.25 "Бу байрам - барчамизнинг".
18.30 "Ешлук нивалари".
18.50 "Илдиз".
19.00 "ДАВР".
19.20 "Бу байрам - барчамизнинг".
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани айрым тантаналари.
21.30 "Бу байрам - барчамизнинг".
21.35 "Шомади таронаси".
21.55 "Мингуллоқа мурданган мустанкини".
22.00 "ДАВР".
22.20 "Бу байрам - барчамизнинг".
22.30 Хинд киноси: "Кайнота".
1.10 - 1.15 Таскини.



7.25 Кургулар тарихи.
7.30 "Сано, Тошкент" Кунгақар информацион мустанкини дасури.
8.35 "Этиқлар", Телесериал.
9.05 "Телесериал-маркет".
9.25 Дин летики киноси: "Пиритски острани". Телесериал. 36-қрим.
9.55 "Каламақа интилиб".
10.10 "Та юрист".
10.15 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
10.20 "Муника SMS".
10.40 "Ҳайрам".
10.50 "Иктисол - ревью"/рус/.
11.00 "Интиривор"/рус/.
11.10 "Та юрист"/рус/.
11.20 - 12.45 Кино: "Невеста из Вудала".


17.50 Кургулар тарихи.
17.55 "Абдиша"/рус/.
18.05 "Телесериал-маркет".
18.30 "Пойнтак" азборот дасури.
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
18.50 "Саломат булани".
19.00 "Репортаж"/рус/.
19.10 "Муника SMS".
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани айрым тантаналари.
21.30 "Пойнтак" азборот дасури.
21.45 "Ҳайрам".
21.50 "Телесериал - маркет".
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани фильдарлари.
"Милрифт фильдарлари".
22.30 "Пойнтак" азборот дасури/рус/.
22.45 "Кино SMS со звездани".
22.50 Кино: "Роина".
00.25-00.30 "Ҳайрам тун, шақрин".




7.00 "Бозор удро".
8.00 "Ҳабарлар" (рус тилида)
8.20 "Муғрифсим".
8.30 "Малахон +".
9.30 "Детектив".
10.00 "Ҳабарлар" (узб тилида)
10.20 "Ўзбек спортининг 16 фести".
10.40 "Бозилар спорти".
11.00 "Филеца".
11.30 "Ринг".
12.00 "Универсали менинг".
13.10 "Мустанкида 2007".
"Милрифт фильдарлари".
13.15 - 13.45 "Мақданим пахтаюварани".

18.00 "Мустанкини менинг тасдиқлар".
18.10 "Халқ уюварлари".
18.30 "Ҳабарлар" (рус тилида)
18.55 "Ўзбек спорти олимлари".
Ўзбекистон республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
19.30 Ўзбекистон республикаси


мустанкини 16 йилдиги таъдилани айрым дасури.
Тургани-турани олиб кўрилади.
21.30 "Ҳабарлар" (узб тилида)
21.50 "Ўзбекистон - ревью моат".
22.10 "Учарани" спорт-шоу.
Ўзбекистон республикаси мустанкини 16 йилдиги таъдилани.
23.10 "Дуэль пил чинарлар". Х/ф.
00.20 "Тунинги овула булани".




4.00 Телеканал "Доброое утро"
8.00 11.00 Новости
8.05 Телеканал "Доброое утро".
Продолжение
8.30 "Малахон +"
9.30 "Контрольный закупка"
10.00 Агент национальной безопасности. Т/с.
11.15 "Мощный притвор".
12.25 "Детектив".
13.00 Другие новости
13.25 "Филеца"
14.30 Новости (с субтитрами)
14.15 "Понять. Простить".
14.50 "Лалита. Без комплексов".
15.55 "Федеральный судья".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 "Пусть говорят".
18.00 "Татьянин день". Т/с.
18.55 "Поле чудес".
20.00 Время
20.25 Прямая. "Принцесса Диана".
Последний день в Париже.
22.10 Х/ф "Королева"
0.00 Остроконечный фильм "Восходное солнце".
2.25 Фильм "Восходное солнце".
Продолжение.



04.00 "Доброое утро, Россия".
07.00 "Мой серебряный шар. Татьяна Васильева".
07.55 "Мустанкине".
08.05 Т/с "Крот".
09.45 "Вести. Делуние часы".
10.00 13.00 16.00 19.00 "Вести".
10.30 13.20 18.40 "Местное время. Вести - Москва".
10.50 "Судья Итом".
11.55 М/с "Том и Джерри. Детские тайны".
12.35 М/ф "Ну, погоди!".
13.40 Детектив "Версия пахтонкича Зорвана".
15.50 "Кулагин и партнеры".
16.20 "Местное время. Вести - Московская область".
16.40 "Аншлаг и Компания".
17.40 Т/с "Ангел-хранитель".
19.45 "Спокойной ночи, малыши".
19.55 "Юрмаль-2007".
21.50 Х/ф "Последний узкоани".
23.45 Боевик "На гребне волны".
02.20 "Дорожный патрул".
02.30 Т/с "Закон и порядок".




00.00 "Сегодани утром".
03.05 Т/с "Театр бориенных".
04.00 07.00 10.00 13.00 "Сегодани".
04.20 "Особо опасани".
04.55 Т/с "Тамбонская волици".
07.25 Т/с "Тоғити".
08.30 Т/с "Эра Стреты".
09.30 "Славители. Обзор".
10.30 20.10 Т/с "Возвращение Мухтара 2".
12.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".
13.40 "Следствие вели...".
14.40 Х/ф "Властелин колоде: Две крепости".
18.15 Комедия "Эльш".
21.05 Т/с "Аэропорт".
22.00 М/с "Альф-П".




05.30 Канал "Евроноос".
09.00 18.30 22.30 "Новости культуры".
09.30 16.40 Т/с "Удивительный мир


растений". "Хмель".
09.55 Х/ф "Нокча Москва".
11.30 16.35 М/ф
12.05 "Нобелевские лауреаты". Л. Давид.
12.45 Д/ф "Год опотника".
13.40 Т/с "Точка и Вестер".
14.35 Д/ф "Люнебург. Жизнь без таски".
14.90 Д/ф "Игорь Моисеев. Я вспоминаю... гастроль динию в жизнь".
15.20 Х/ф "Принци и ниши".
17.10 "Виртуозы Москвы" и "Герои-картвет". "Жили-были".
18.00 "Разведка, в которой анализи немоготи...". Л. Линникий.
18.50 "Смехосталити".
19.20 "Сферы".
20.05 "Я Гамлету играю для себя...". Р. Ткачук.
20.45 Х/ф "Преступники, как всегда, остались неизменными".
22.55 Х/ф "Превращение".
00.20 С. Прокофьев. Соната №6.
00.55 "Сферы".
01.35 Д/ф "Дальний путь в Дофаре. Слезы богов".



07.00 Т/с "Школа "Черная дыра".
07.45 М/ф "Талла и кинжоры".
07.55 М/с "Смешарики".
08.00 19.00 кадрос.
08.30 10.30 18.00 Т/с "Моя прекрасная няня".
09.00 21.00 Т/с "Дочки-матери".
10.00 20.30 История в деталях.
11.00 19.30 Т/с "Кто в доме хозяйни?".
12.00 Т/с "Безмиллионный миллиард".
13.00 Т/с "Смак".
13.00 Д.Бисюеву. "Анатомия человека и рекорды".
14.30 М/с
17.00 Т/с "Лиззи Маугейер".
17.30 "Галлево".
22.00 Х/ф "Человек-паук".
00.30 Х/ф "Дикотик".
02.40 Х/ф "Затрапак у Тиффани".



07.00 Побелоненный голос.
07.30 М/ф.
08.00 Х/ф "Двое: я и мой теби".
2.00 Х/ф "Вашин жакет".
14.00 19.00 Самые смешные моменты жизни.
14.30 19.30 Расстиятые жизни.
15.00 Т/с "Линия защиты", 12 с.
16.00 Т/с "Огни теби на двоих", 8 с.
17.00 Х/ф "Пожарный змеи 2".
20.00 Х/ф "Последний бронепоезд".
22.00 Х/ф "Ангели в достояни".
00.00 02.30 Т/с "Байки из склепа", 10 с.
00.30 Х/ф "Гиперкури".
03.00 Культ мультотичи.



04.45 Т/с "Любовь и тайны Санкт Биев".
05.30 12.30 18.00 Такси.
05.55 "Глобальные новости".
06.00 18.30 Москва: инструкции по применению.
06.30 "Сопотрипани. Видеоероши".
07.20 СПИД. Скороия помощь.
07.50 Наши песни.
08.50 Нина спешит на помощь.
09.00 7.00 Т/с "Счастливы вместе".
10.00 М/с.
13.00 Т/с "Саша+Маша".
14.00 20.00 00.00 03.10 "Дом 2".
15.00 Комедия "Телодар Рекс".
19.00 "Нобелистимо, но факт". "Сила слова".
21.00 "Комеди Клуб".
22.00 Т/с "Наша Russia".
22.25 "Смех без правил".
23.25 "Секс" с А. Чеховани.
00.25 "Нобелистимо, но факт".
01.25 Комедия "Вернувшись на Ибице".
04.00 Д/ф "Необычные домашние животные США".
04.50 Лучшие анекдоты из России.



6.55 Дасуриини очиниши.
7.00 "ЯНТИ ТОНГ".
8.00 "Даврининг бозаси".
8.15 "Аллоҳнинг". Мултиернал.
8.35 "Бозилар таёбицини".
8.50 "KINOMANIYA".
9.00 "Биз кимиз?".
9.20 "Хаёт эртани". Телесериал.
9.50 "Илдиз".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Шу кунларга сўзлаганига шукр".
10.20 Миллий кино: "Ватан".
11.50 "Ешлук навалари".
12.10 "Никомили уви". Телесериал.
12.50 "Некани".
13.00 "ДАВР".
13.15 "Бу байрам - барчамизнинг".
13.20 Мариятон шаҳрининг 2000 йилдиги: "Итак сехри".
14.00 "ЯНТИ КУН".
15.00 "Пурро". Телесериал.
15.50 "Иктим".
16.00 "ДАВР".

Кадимда санъаткор ва ижодкорлар одамларни инсофга чақириш йўлида озгаки ижод асарлари, драматик ва прозаик асарлар яратишган, шеърлар ўқиган, турли усулда одалар куйлашган. Ана шуларнинг барчаси заминда қандайдир маънодаги хабар, дарак бериш ва муносабат билдириш фаолияти ётганлигини кўриш мумкин. Масалан, барча диний эътиқод одамлари ички маданияти ва ахлоқини қадимдан тарғиб қилиб келётган муқаддас китобларда ҳам "Яратганининг хабар беришича, Пайгамбарнинг ривоят қилишлари", деган жумлалар келтирилади. Булардан ташқари, ота ўз ўғлининг узоқдаги сафари ҳақида, подшоҳ ўз мамлакатни ҳафсизлигини сақлаш учун ғаним давлатларга юборган айғоқчиларининг хабар-

она меҳри, ака-ука меҳри, опасингил меҳри каби дўст-биродарлик меҳридан ҳам устун одамга куч-қувват бағишлайдиган нарса бўлмаса керак.

Ана шу ноёб, айни чоғда, ҳар бир инсон юрагига жўш уриши керак бўлган меҳр-оқибат этномаданияти, имон-этиқоди ва миллий қадриятлари ўзга халқлар ҳаёт тарзига кўр-кўрона тақлид қилиш натижасида аста-секин саёзлашиб бормоқда. Унинг ўрнини ўзидан мансаби устун ёки бой шахсга нисбатан ясама "меҳр кўрсатиш", хушомад деб аталмиш халқимиз қадимдан қоралаб келган сохталик эгалламоқда. Бу ҳақда Юртбошимиз жуда ўринли фикрларни баён этган эдилар: "Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини

● "KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!"



Бу ёруғ олам бино бўлганидан бери одамзод маънавий-маданий ҳаётда долзарб муаммо бўлиб келаятган меҳр-мурувват, меҳр-оқибат ва меҳр-муҳаббат сингари олижаноб инсоний гоъларни одамлар ҳаёт мазмунига синдириш йўлида қанчадан-қанча маданият ва санъат турлари, жанрлари ҳамда воситалари яратилган.

Хабар ва меҳр

лари ва ошиқ ўзининг маъшуқаси ҳақидаги ахборотларга қараб иш тутиши ўзбек фолклори асарларида аънавий берилиши инсонлар ҳаёт тарзида хабар, мактуб ва ахборот алоқаларининг нақадар муҳим омили эканлигини яна бир бор асослай олади.

Ўзбек халқида меҳр-оқибат қадрияти ниҳоятда кўп улуғландиган ва кўп қўлланиладиган туйғу тушунчасидир. Буни дўст-биродарлик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик каби ижтимоий муносабатлар орқали кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг турли вилоят ва туманларида истиқомат қилаётган қариндош-уруғлар, куда-андалар, синфдош-курсдошлар орасидаги доимий равишда сақланиб турадиган алоқаларнинг энг салмоқли қисми хат-хабар, телефон-интернет алоқаларидан иборат. Ўзининг яқин қариндоши ёки дўстига ҳаётда содир бўлган бирор воқеа, янгилик ёки жамоа бўлиб ўтказиладиган маросим тўғрисида хабар етказар экан, у беихтиёр равишда ўзидаги меҳр-оқибат туйғусини ҳам ўша хабар орқали етказганлигини билмайди. Чунки узоқ йиллар кўрмаган қадрдони билан кундалик ҳаёт ташвишлари ичида доимо мулоқотда бўлган одамларга нисбатан алоҳида ҳис-туйғу билан муносабатда бўлиши унга юборилган кичкинагина хабарида яққол акс этиб туришини ҳаётий тажрибаси бор одам дарров англаб олади.

Бунда узоқ йиллар кўришмаган курсдош дўстлар учрашуви, уларнинг хотираларида аста-секин сўниб бораётган ёшлик даврининг гўзал онлари уларнинг қуялган ақл-идроқига туртки бериши ҳам ана шу оддий хабар орқали рўй беришини кўпчилик эътиборга олмайдди.

Тирик одам учун бу дунёда ҳамма нарса керак. Бироқ меҳрдек кучли ва уни бо оламнинг қадрини англашга ёрдам беришга ундовчи туйғу йўқлигини одам ёши бир жойга бориб ҳис этади. Зеро, ота-

ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Фарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади". Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаган "миллий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари"га одамлар орасидаги меҳр-оқибат ва меҳр-мурувват тушунчалари ҳам кирради.

Луқмони Ҳакимдан: Одамларнинг қудратлиси ким? — деб сўраганларидан, — у киши: Ақли комил бўлгани, — деб жавоб берган экан. Ақлнинг комил бўлиши учун эса ўша одамларнинг қалби инсонга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг лиммо-лим бўлгани билан ўлчанади. Модомики, ақл-идроқ бойлиги меҳр билан узвий боғлиқ экан, унинг юзага келишида одамларнинг бир-бирлари билан доимо чин инсоний мулоқотлари, бир-бирларидан доимо хабар олиб туришлари ёки бир-бирлари ҳақида ахборот етказиб туришлари зарур экан.

Хабарнинг инсоният умумий тараққиётидаги яна бир аҳамият-ни оммавий ахборот воситаларининг кундан-кун ривожланиб боришидан ҳам билиш қийин эмас. Бирорта вақтли матбуот ёки оммавий ахборот воситаси йўқки, улар оддий хат-хабар ёки телефон-интернет ахборотларидан фойдаланмаган бўлсин. Хабарларсиз оммавий ахборот воситалари ва матбуот нашрлари худди жонсиз танадек бўлиб қолиши, ҳеч кимга кераксиз нарсага айланиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай хабар моҳиятида уни йўллаган ёки юборган шахснинг ўзига хос меҳри, ички кечинмаси билан боғлиқ ҳис-туйғуси мавжудлиги бу соҳада меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг жамият олдидаги вазифаси нақадар катта аҳамият касб этишини кўрсатади.

Саид АЛИМОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети доценти

● ALOQA OLAMIDA

2,5 МИЛЛИАРД АБОНЕНТ

Бутунжаҳон мобил алоқа қурилмалари етказиб берувчилар ассоциацияси (GSA)нинг маълумот беришича, 2007 йилнинг иккинчи чорагида GSM/WCDMA/HSPA-тармоқлари абонентларининг умумий сони 2,5 миллиарддан ошган. Уларнинг 1 миллиарди (39,4 фоизи)ни Осиё-Тинч океани минтақаси аҳолиси ташкил этади. 2007 йилнинг дастлабки олти ойида GSM/EDGE/WCDMA/HSPA-тармоқларидан фойдаланувчилар 564 миллион, CDMA-тармоқлариники эса 50 миллион кишига кўпайган.

WCDMA-тармоқлари абонентлари сони 137 миллион нафарга кўпайган, 2009 йилда бу тармоқ абонентлари сони 500 миллионга етиши кутилмоқда. Умуман олганда, жаҳоннинг 213 мамлакат ва минтақасида жами 718та тижорий GSM-тармоқ мавжуд. 3G/WCDMA-тармоқ фаолияти эса 78 мамлакатда йўлга қўйилган.



ИНТЕРНЕТНИНГ ЯПОНЧА МУҚОБИЛИ

Japan Times газетасининг маълум қилишича, Японияда кейинчалик интернетнинг ўрнини буткул эгаллаши кутилаётган янги авлод технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга киришилган.

Жорий йилнинг кузида янги технология устида иш олиб борувчи ташкилот тузилади. Унда раҳбарлар, олимлар, тадбиркорлар — барча қатнашиши кутилляпти. Бу ишларнинг тепасида мамлакат ички ишлар вазири Ёшихидэ Суга турибди.

Биргина 2008 йилнинг ўзида лойиҳага ИИВ 68,3 миллион АҚШ доллари ажратади. Суганинг айтишича, ҳукумат бу мақсадда ҳар қанча маблағ бўлса ҳам ажратишга шай, чунки янги япон технологияси интернетга қараганда тезроқ ва хавфсизроқ ишлайди, демак унинг ўрнини эгаллаши мумкин. Вазирнинг гапи қанчалик асосли, бунга лойиҳа якунига етадиган 2020 йилда амин бўламиз.

CD 25 ЁШДА

Ўтган ҳафта айни пайтда энг оммалашган ахборот ташувчилардан ҳисобланган қаттиқ дисклар (CD)нинг пайдо бўлганлигига 25 йил тўлди. Қаттиқ дискларни ишлаб чиқишга Philips (Нидерландия) ва Sony (Япония) компаниялари мутахассислари деярли бир пайтда киришганлар.



CD 1,2 мм қалинликда поликарбонатдан ясаллади, сиртига юкка алюминий қатлами қопланиб, локли қоплама билан муҳофазаланган.

Биринчи CDлар аудиоматбуотларни рақамли кўринишда сақлашга мўлжалланган эди. Стандарт қаттиқ дисклар 12 сантиметрлик диаметрга эга бўлиб, дастлабки пайтларда 650 Мб маълумот (ёки 74 дақиқалик аудио)ни ўзига сиғдирган. Нега CD айнан ушбу ўлчам ва ҳажмга эга? Бу ҳақда турли қарашлар бор. Уларнинг бирига ишонадиган бўлсак, диск ҳажми Бетховеннинг 74 дақиқа давом этадиган тўққизинчи симфониясини тўлиқ сиғдиришга мўлжалланган. Чунки айнан ушбу асар ўтган асрнинг 70-йиллари ниҳосида Японияда жуда оммалашган эди. Яна бир фаразга кўра эса, CD диаметри голланд пиво кружалари диаметрига мувофиқ келаркан.

1982 йилнинг 17 августидан Германиянинг Ганновер шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда қаттиқ дискларни кенг ишлаб чиқаришга киришилди. CDга ёзилган дастлабки мусиқа асари Штрауснинг "Алп симфонияси" бўлиб, ўша йилнинг охирида сотувага чиқарилган. Замонавий CDларнинг аксарияти 700 Мб ҳажм (80 дақиқа аудиоёзув)га эга.


CDнинг пайдо бўлиши ва кенг оммалашши натижасида плёнкали кассетларга бўлган талаб деярли йўқолиб кетди. Айниқса, 2001 йили CD бозори гуллаб-яшнади, масалан, АҚШда ўша йили 710 миллионга қаттиқ диск сотилганди.

Тўғри, сўнгги пайтларда CDга бўлган талаб ҳам камайиб бораётир. Буни муқобил оптик ахборот ташувчилар (биринчи гада DVD), шунингдек, интернет орқали ҳам мусиқа кўчириш ва сақлаш имкониятларининг пайдо бўлганлиги билан изохлаш мумкин. Нима бўлганда ҳам, қаттиқ дисклар муомалада яна кўп йиллар бўлиши кутилмоқда.

ҲИНДЛАР ШРИ-ЛАНКАДА

Ҳиндистоннинг йирик уяли алоқа оператори Bharti Airtel Ltd келгуси йилнинг март ойидан Шри-Ланка (Цейлон ороли)да фаолият бошлашга киришини маълум қилган. Компания орол мамлакатдаги тармоғини тараққий эттириш мақсадида 5 йил давомида 200 миллион доллар қийматида сармоя киритади. Bharti Airtel 2G ва 3G-тармоқларида хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга.

Компания вакиллари ўз абонентлар базасининг йилига 2 миллион нафарга ўсишига эришишга ва Шри-Ланка уяли алоқа хизматлари бозорининг 30 фоизини эгаллашга ишонч билдиришмоқда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

**Истиқлолимизнинг 16 йиллик
тантанаси билан
барчангизни
муборакбод этади.**

**АЗИЗЛАР!
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ
ЙЎЛИДА ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ
МЕҲНАТ ҚИЛАВЕРАЙЛИК.**

“ЧИРКОМ”

кўшма корхонаси жамоаси

Бағрикенг халқимизни,
жумладан, алоқа соҳаси
ходимларини энг
улуғ байрамимиз —

Мустақиллик куни

билан табриклайди.



Байрам муборак бўлсин, азизлар!

О‘ЗБЕКТЕЛЕКОМ АК “ФАРФОНА ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ҳамюртларимизни
умумхалқ байрами —
Мустақиллик куни
билан табриклайди.

**Байрам нафаси шаҳар ва қишлоқларимизга,
ҳамжиҳат халқимиз турмушига фаровонлик,
тинчлик-осойишталик олиб кирсин!**

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Серқўёш Ўзбекистон
аҳолиси ҳамда
барча алоқачиларни
Истиқлолнинг
ўн олти йиллиги
билан самимий
табриклайди.

**Гўзал диёримиз осмони ҳар доим мусатфо,
инсонлари ҳамиша бахтиёр бўлсин!**

**РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА
ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Азиз юрtdошларимизни

1 сентябр —**Мустақиллик куни**

билан қутлайди.

Сизларга энг эзгу
тилақларимизни изҳор
этаётганимиздан бахтиёрмиз.
Улуғ байрам хонадонларимизга
бахту шодлик олиб
келаверсин.

**Бепоен юртимиз узра Озодлик
қуёши мангу порлаб турсин!**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

жамоаси

Жаннатмонанд
юртимиз аҳолисини
ҳамда алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасида фаолият
юритаётган барча-

барчани **Истиқлол
айёми** билан
табриқлайди.

**Юрт осмони мусаффо,
хонадонлар обод бўлсин!**

“O`ZBEKTELEKOM” АК
“НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал диёримиз
аҳолисини

**Истиқлолимизнинг
16 йиллик тўйи**
билан табриқлайди.

Юртимиз гулларга
бурканаверсин.
Келажаги буюк бўлган
Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Ўзбек халқини жонажон юртимиз
мустақиллигининг ўн олти йиллиги
билан муборақбад этади.

Ҳар бир хонадонда
эзгулик, бахт-саодат ҳукм
сурсин. Она Ватанимиз
равнақи йўлидаги
фаолиятингизда улкан
зафарлар ёр бўлсин!

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

TAHRIRIYATIMIZ MEHMONI



Эlining суюкли санъаткори Марям ИХТИЁРОВА ҳақида ёзиш фикри туғилгач, уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакни актрисанинг қизи Хуморахон олди. Мақсадимни эшитгач, Марям опа Республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги олдида ташкил этилган "Истиқлол карвонлари" гуруҳи таркибиде сафарга кетганларини, келишлари билан ўзлари қўнғироқ қилишларини айтди. Опа сафардан қайтганларидан сўнг тахририятга ўзлари кириб келди ва табиийки, суҳбатимиз сафар таассуротларидан бошланди.

Мақсадимиз — одамлар маънавиятини бойитиш

— Мустақиллик байрами олдида ёш авлод вакилларининг байрамона кайфиятларига қанот бағишламоқ мақсадида уюштирилган мазкур сафаримиз Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилди. Гуруҳ таркибиде таникли санъаткорлар Тўтихон Юсупова, Рихсixon Иброҳимова, шoir Бобур Бобомурод, Амир Темур экспедицияси раиси, профессор Фарҳод Ашрафхўжаев ва бошқалар бор эди.

Тошкент вилоятининг Ангрён, Олмалик шаҳарлари ва Охангарон туманидан бошланган сафаримиз Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари бўйлаб давом этди.

Ёшларимиз олиб бораётган ишлар сизларни қониқтирдими?

— Нимасини айтасиз. Ҳозирги ёшлар бундан 15-20 йиллар олдингилардан тубдан фарқ қилишади. Энг замонавий технологиялар билан таъминланган ўқув масканлари, маданият уйлари улар ихтиёрида. Бағдод тумани ёшлари "Бунёдкор" клуби ташкил этилиб, оқ халатларда зараркунданларга қарши курашаётганларининг, Полда очилган тикухонада ўсири қизларимиз ҳам замонавий, ҳам миллий кийимлар тикишаётганларининг, Шаҳрихонда ёшлар пичоқчиликке қадимий санъат сирларини кунт билан ўрганишаётганларининг гувоҳи бўлдим. Истиқлол байрами олдида халқимиз кўтаринки кайфият билан меҳнат қилапти.

— Гап ёшлар ҳақида кетар экан, ўзингизнинг болалик ва ёшлик йилларингиз, ҳаёт йўлингизнинг белгиланишига сабаб бўлган воқеалар ҳақида гапириб берсангиз.

— 1939 йилнинг апрел ойида Хоразм вилоятининг Янги-

бозор туманида таваллуд топганман. Отам Каримбой Рўзматов қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис, онам Фоила ая уй бекаси эдилар. Болалигим уруш даврига, ёшлигим урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Оиламизда адабиёт ва санъатни жуда қадрлардим. Биз фарзандларнинг яхши ўқиши учун ҳаракат қилишардим. Шу сабабли, барча фанлардан аълога ўқиганман. Лекин санъат жону дилим эди. Мактабда Лена Антипова исм-шарифли тарих муаллимамиз бўларди. Ёзги таътил пайтида Тошкентга келиб, дам олиб кетардим. Асли театр ишчибози бўлган бу аёл Ҳамза номидаги театрининг барча спектакллари кириб кетаркан. Дарс жараёнида эса гўё рол ижро этаётгандай ўша спектакллардаги воқеаларни ҳикоя қилиб берардим. Биз — болалар киприк қоқмай эшитардик. Актриса бўлишга ўшанда қизиқиб қолганман. Аста-секин мактабда, туманда ўтадиган тadbирларда рол ижро эта бошладим. 9-синфда ўқиётганимда Гавҳархон Раҳимова бошчилигида ансамбл тузилди. Бизнинг мактабдан тўрт нафар қиз ўша ансамблга жиддий синовлар би-

лан қабул қилиндик. Лекин отам бу ансамблга киришимга қаттиқ қаршилик қилдилар ва ҳеч қайқа бормайсан, деб туриб олдилар. Масалага туман раҳбари аралашгач, ноилоҳ ҳамда тўғри юриб, тўғри туришим, номимни ҳамма вақт покиза сақлашим шarti билан рози бўлдилар. Отамнинг мана шу шarti умримга татиди.

1957 йилда Москвада ўтказилган ёшлар ва талабалар жаҳон фестивалида иштирок этганим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Фестивалдан қайтгач, тўғридан-тўғри театр олийгоҳининг мусиқали театрлар учун актёрлар тайёрлаш факультетига ўқишга қабул қилинганман. Курс раҳбаримиз Раззоқ Ҳамроев Муҳимий номида бўлишга бош режиссёр бўлиб ишларди. У кишининг таклифлари билан шу театрга ҳозирги ёшлар ҳаёти ўртасида жуда катта фарқ бор, албатта. Мустақил юрт бағрида яшаётган ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Улар ҳар жабҳада жаҳон кўксига чиқишга

ҳаракат қилишмоқда.

— Илк устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бу борада энг бахтли артистлардан бириман. Менга Сойиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Турсунхон Жабфарова, Ҳамза Умаров, Эйтибор Жалилова каби даҳо санъаткорлардан иш ўрганиш насиб этган. Улар берган ўғитлар ҳозиргача ҳам ижодида асқотмоқда.

— Кейинги пайтда турли тоифа ва феъл-атворли оналар ролини яратасиз. Томошабинлар маънавиятини бойитишда улар қай даражада аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам ёшим улғулашиб, она ва қайноналар роли ишониб топширилаётганига анча бўлди. "Суперқайнона"даги Ҳожар — ўжар аёл. Уйда ўзини ҳокима деб ҳисоблайди. Ўзига ёқмаган келинни дарҳол ҳайдайди. "Жайдари келин"да яхши қайнонани ўйнайман. У тўпори ва содда келинни қайта тарбиялаб, барчани лол қолдиради. "Ўткан қунар"даги Ўзбегойим ўзбекининг қадимий ва улғу миллат эканлиги тимсолдир. Театр кўзгу. Томошабин бу оналарнинг ҳар бирида ўзини кўради, эзгу хислатларни ўрганади, камчиликларини кўриб, тузатишга ҳаракат ҳам қилади. Умуман биз, актёрларнинг мақсадимиз одамлар маънавиятини бойитишдан иборатдир.

— Юртдошларимизга тилакларингиз.

— Юртимизда яшовчи барча барчани энг улғу ва қўлғу байрам — Мустақиллик айёми билан табриқлайман. Уларга энг яхши тилакларимни билдираман.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди



Табриқлаймиз!

FOYDALI MASLAHATLAR

"Фарғона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмалари қўмитаси жамоалари ходимлар Манзураҳон ИСЛОМОВАни 55 ёши, Саодатхон МАҲМУДОВА, Дилабзалхон ҚОДИРОВА ва Хусанбой АБДУРАҲМОНОВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, хонадонларига фаровонлик, тинчлик-осойишталик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходими Давлатиёр АЛЛАЯРОВни таваллуд топган кун билан табриқлайди. Унга узок умр, соғлиқ ва ишларида зафарлар тилайди.



Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда табиий шарбатларнинг ўрни бўлакча. Саноят йўли билан тайёрланадиган шарбатлар ҳам витаминларга бой, лекин ўз кўлингиз билан тайёрлаб ичганга нима етсин. Шарбат тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак? Бу борада айрим сирларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Шарбат тайёрланадиган мева янги, бутун бўлиши лозим. Меваларни қайнатиб совутилган сувда ахшилаб ювиш, лекин ивितिб қўймаслик керак. Шарбатсиқичга меванинг қаттиқ толали қисмлари: данаклари, селдерей бағри, ананаснинг ўрта қисми ва бошқаларни солманг.

Юпка пўстли меваларни артиш шарт эмас (нок, олма, ўрик, помидор).

Агар шарбатсиқичнинг пластмасса қисмларига баъзи мева-сабзавотларнинг ранги сингиб қолган бўлса, уни ўсимлик мўй ёки истеъмол содаси билан артиб тозалашингиз мумкин.

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Хужжат (ru — документ, en — document) —

1. Материал шаклга келтирилган ишга оид муҳим ахборот.

Изоҳ — Матнли, график ёки товушли ахборот кўринишида қайд қилинган маълумотлар элтувчисидеги маълумотлар хужжат ҳисобланиши мумкин.

2. Ҳар қандай услублар билан бажарилган матнли ва график материаллар кўринишидаги, шунингдек, тешилган ва магнит элтувчилар, фото ва кинотасмалар кўринишидаги ахборотнинг мавжудлик шакли.

● Ахборот (ru — информация, en — information) —

1. Тақдим этиш шаклидан қатъи назар шахслар, буюмлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

2. Қизқиқарли акс эттирувчи ва сақлаш ҳамда ишлов беришга тегишли бўлган билимлар, далиллар, маълумотлар мажмуи.

● Хужжатлаштирилган ахборот (хужбат) (ru — информация докумен-

тированная (document), en — documented information) — Материал элтувчида қайд қилинган, уни айнан тенглаштиришга имкон берувчи реқвизитли ахборот.

● Тижорат ахбороти (ru — информация коммерческая, en — commercial information) —

Фақат эгаллик қилувчининг хоҳиши ва унинг шартлари бўйича тарқатиладиган ахборот; савдо-сотик объекти.

● Махфий ахборот (ru — информация конфиденциальная, en — confidential information) —

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда фойдалана олинмиши чегараланган хужжатлаштирилган ахборот.

2. Рухсат берилмаган фойдаланувчининг олишидан ҳимоялашни талаб қиладиган чекланган фойдалана олиш ахбороти.

● Шахсий ахборот (ru — информация личная, en — personal information) —

Мамлакат фуқаролари ёки ташкилотлар тўғрисидаги ва уларнинг манфаатларига даҳл қилувчи ахборот, улар тегишли шахслар ёки ташкилотлар розилик берган ҳоллардагина тарқатилиши мумкин.



ИККИ УЧРАШУВДА ҲАМ МАГЛУБИЯТ

Олимпиада-2008 йўлланмаси учун ҳаракат қилаётган терма жамоамиз Корея Республикасига сафар уюштирди. Вадим Абрамов шогирдлари корейлик футболчилардан учинчи бор маглубиятга учради.

Корея Республикаси – Ўзбекистон – 2:1

Голлар: Ли Сан Хо, 71; Ли Кун Хо, 77 – Ким Чжин Ке, 45 (автогол).

Учрашувни Олимпия терма жамоамиз тўққиз киши бўлиб якунига етказди. Жамоанинг янги аъзоси, «Рубин» ярим ҳимоячиси Вагиз Галиуллин ҳамда «Самарқанд-Динамо» ҳужумчиси Фарҳод Тожиёвлар рақибларига қўпол муносабатда бўлганликлари учун майдондан четлатилди.

Вакилларимиз иккинчи тур ўйинини 8 сентябр кuni Самарқандда Сурия олимпиячиларига қарши ўтказди.

Чоршанба кuni бош терма жамоамиз ҳам ўзининг навбатдаги ўртоқлик учрашувини ўтказди. Рауф Инилеев шогирдлари Украина футболчиларига қарши майдонга тушди.

Украина – Ўзбекистон – 2:1

Голлар: Гладкий, 29; Ротан, 65 – Гейнрих, 90+2.

Шу йилнинг 18 июлидан 20 августга қадар пойтахтимизнинг «Қушбеги» спорт мажмуасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг кубоги учун мини-футбол бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий-минтақавий мусобақалари бўлиб ўтди. Унинг натижалари билан газетамизнинг аввалги сонларида танишгансиз.

Шундай қилиб, финал босқичида иштирок этадиган 12 жамоа номи аниқ бўлди. Булар:

«Шарқий» ҳудудий-минтақавий гуруҳ голиблари — «Фаргона Телеком», «Наманган Телеком» ва «Тошкент Телеком»;

«Ғарбий» ҳудудий-минтақавий гуруҳ голиблари — Сурхондарё «Матбуот тарқатувчи», «Қорақалпоқ Телеком» ва Навоий вилояти «Алоқабанк»;

Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий гуруҳидан ТАТУ, ФТМТМ, ШАК, ТошТТС, ТШТТ, ДФХ жамоалари.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Суннат Абдуғаниев билан ҳудудий-минтақавий мусобақалар якунлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мусобақалар давомида жамоаларнинг техник маҳорати ва жисмоний тайёргарлигида қандай ўзгаришлар кўзга ташланган?

— Яққол кўзга ташлангани бу — финал ўйинларига йўлланмалари қўлга киритган жамоалар ва йўлланмани бой бериб қўйган жамоаларнинг техник маҳорати ўртасидаги тафовут янада катталашган. Бунга соҳамизнинг етакчи жамоалари ўз маҳоратини ошириш борасида мунтазам иш олиб боришлари, қолганлари эса футбол машқларини мусобақага бир ҳафта қолганда бошлаб, мусобақалар тугагач, келаси йилгача машғулотларини тўхтатиб қўйишларини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда эса соҳамиз мини-футболи жадал ривожланмоқда. Масалан, Тошкент давлат авиация институтининг соврини учун анъанавий очик турнирни олайлик. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг кучли ҳаваскор жамоалари иштирок этган бу мусобақаларда ТШТТ жамоаси 2-ўринни, ШАК жамоаси эса 3-ўринни эгаллаган эди.

СПОРТЧИ АЛОҚАЧИЛАР

Самарқандда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхона, ташкилот ва муассасалари жамоаларининг Республика спартакиадасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Мусобақалар «ЎИ-Самарқанд» филиалининг спорт заллари ва Олимпия заҳиралари коллежининг спорт мажмуасида ўтказилди. Унда умумжамоа ҳисобида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали биринчи, «ЎИ-Самарқанд» филиали иккинчи, ТАТУ Самарқанд филиали жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, шахмат, шашка, стол тенниси ва кўпкураш бўйича мусобақа голиблари аниқланиб, улар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Голибларга диплом ва совғаларни вилоят алоқа ходимлари беришган касаба уюшмалари кўмитаси раиси Толиб Раҳматов топширди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

СОҲАМИЗ МИНИ-ФУТБОЛИ РИВОЖЛАНМОҚДА



чилар томонидан ҳақоратли иборалар ишлатилади. Бу салбий ҳолат билан қай тарзда кураш олиб борилади. Қолаверса, қондаг биноан бу тартиббузарликлар қандай жазоланади?

— Ҳақиқатан ҳам, мусобақаларни ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита томонидан бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда, ташкилотчилардан ва айнисса, ҳакамлардан бу масалага жиддий ёндашиш талаб қилинмоқда. Ҳар бир ҳудудий-минтақавий мусобақалар бошланғичидан олдин жамоа вакиллари, ташкилотчилар ва ҳакамлар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, Ташкилий кўмитанинг ушбу талаблари иштирокчиларга етказилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан, айрим ўйинчилар «Мен ҳақоратли сўзни тўпни дарвозага тўғри йўллай олмаганимдан ишлатганим ва бу ҳеч кимга тааллуқли эмас, мени жазолашга ҳакамнинг ҳаққи йўқ» деб ўйлашади. Айримлари эса, ҳаёл устида ўз жамоадолларига нисбатан шундай сўзларни айтиб юборадилар. Ҳакам чора кўрганда эса — «Ахир мен рақиб ўйинчисини эмас, ўзимнинг жамоадолшимни койган эдим-ку», деб эътироз билдиришади.

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА)нинг Мини-футбол қондаларида айтилган — «Ҳақоратли, сўкиш ибораларини ишлатган (айтган) ўйинчига қизил карточка кўрсатилади ва у майдондан четлатилади». Эътибор беринг, ушбу қондалда рақиб ўйинчисига гагирдимми, ўз жамоадолшига гагирдимми, шунчаки ўз-ўзига гагирдимми, бунинг ҳеч қандай фарқи йўқ.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳакам бундай ҳолатларда, албатта, ўйин қандай муҳитда ўтаётганини эътиборга олиши керак.

— Кубок мусобақаларининг финал босқичи қай тартибда ўтказилади?

— Финал босқичида 12та жамоа кўрва асосида тўрт гуруҳга бўлинади. Гуруҳларда ўйинлар доира тизими асосида ўтади. Биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар мусобақани давом эттиради. Плей-офф босқичидан эътиборан, маглубиятга учраган жамоалар мусобақаларни тарк эта бошлайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.

E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариқмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далайлари ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

753-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ.
Адади: 7881 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БҲҲРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

**Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.**

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



1991 йилнинг август ойида Ўзбекистон алоқа ва зирлигининг ташаббуси ҳамда Ўзбекистон ҳукумати кўмаги билан "Ўздуробита" Ўзбек-Америка уяли алоқа хизмати кўрсатувчи корхона фаолиятини бошлаган эди. У нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёдаги биринчи уяли алоқа корхонаси сифатида эътироф этилди.

ИСТИҚЛОЛ БИЛАН ТЕНГДОШ



"Ўздуробита" хорижий ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистондаги салоҳиятли уяли алоқа корхонаси ҳисобланиб, унинг хизматидан фойдаланувчилар сони жорий йилнинг 1 июнига қадар 1850000 нафарга етган. Компаниянинг 20дан ортиқ филиал ва бўлимлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритяпти.

2006 йилнинг июнида компания ребрендинг ўтказиб, МТС бренди остида хизмат кўрсата бошлади.

МТС-Ўзбекистон бугунги кунда уяли алоқа хизматларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида GSM 900/1800 стандартида кўрсатиб келмоқда.

2003 йилнинг мартида Қаршида "Ўздуробита"нинг GSM тармоғи ишга туширилиб, 12 март куни GSM тармоғида ишлайдиган бирин-


чи кўнғироққа бағишланган тақдирот маросими ҳақиқий байрамга айланган эди. Шу йилнинг апрел ойидан бошлаб компания 3G ва WiMax стандартларида хизмат кўрсатиш учун ҳам лицензияга эга бўлди.

Булар корхона фаолиятига доир муҳим саналарнинг айримлари, холос.

Ҳар йили истиқлол байрамини корхона жамоаси шоду хуррамлик билан кутиб олади. "Ўздуробита"нинг Қашқадарё филиали мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Саидмурод Ортиқов, шу бўлим мутахассислари Лола Санаева, Дилфуза Маматқулова, Лола Нуриллаева, Жамшид Ҳасанов, ҳамкорлар билан ишлаш бўлими раҳбари Олим Чориев ва мутахассис Зухриддин Хушвақтов, эксплуатация бўлими бошлиғи Авлиёқул Ботиров, ҳўжалик ишлари бўйича мутахассис Атҳам Тошев, ҳисобхона сардори Баҳтиёр Аҳмаджонов, ёрдамчилари Ҳалима Рўзиева, Нигора Сафароваларнинг кун сайин яқинлашаётган мустақиллик байрами олдидан айтадиган эзгу-тилаклари кўп. У ҳам бўлса, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч ва осуда, кишиларимиз соғ-саломат бўлишсин.

Миллатимиз, давлатимиз шаъни ва қадрини осмон қилган мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё
вилоятидаги муҳбири



"BUZTON" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Сизларни муқаддас ва улуг айём —
Истиқлолимизнинг 16 йиллиги билан табриклайди.

Ҳаётингизда эзгулик, бахту омад доимий ҳамроҳ бўлсин.

Хонадонингизга осойишталик, дастурхонингизга

қут-барака тилаймиз.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, қадрли юртдошлар!